

# O'ZBEKISTON



# O'VOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2006-yil • 14-mart • Seshanba • 30 (27.522) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Умуммиллий дастур — амалда

## МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари кўргазмаси очилди

Халқ таълими вазири Т.Жўраев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади. Шу мақсадда қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини янги таълим муассасаларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирдан чиқариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мактабларни сифатли мебель, ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш ушбу дастурнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.



Давлатимиз раҳбари ўтган йили май ойида бўлиб ўтган мактаб жиҳозлари кўргазмасида ўзининг бу борадаги тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларини берган эди. Уларни эътиборга олган ҳолда жорий йилда умумтаълим мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомларини харид этиш бўйича тендер эълон қилинди. Тендерда юртимизнинг юздан зиёд корхона ва ташиқоти иштирок эт-

мақда. Бир ҳафта давом этадиган мазкур кўргазмада ҳам айна ана шундай маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларига кенг ўрин берилган.

Тендернинг ҳолис ва ҳаққоний ўтказилишига эришиш мақсадида бу ерда ота-оналар, педагоглар, мактаб ўқувчилари ва жамоатчиликнинг намойиш этилаётган махсулотларнинг сифати, дизайни, ташқи кўриниши, қулайлиги оид фикр ва тақлифлари атрофида ўрганилиб, таҳлил этилади. Улар истақ ва

тақлифлари асосида тендерда қолиб қолган ташиқотларнинг махсулотлари билан умуммиллий дастурга мувофиқ бу йил мингга яқин янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва таъмирланаётган мактаблар таъминланадиган.

Агар ўтган йили мактаб жиҳозлари кўргазмасида қирқ икки корхона махсулотини сифатли ва махсулотларнинг сифати билан танишиш мумкин.

— Биз физика, кимё, биология фанлари учун икки юз турдан ортиқ жиҳоз, кўргазма воситалари

билан қатнашганимиз, — дейди «Қалорама» фирмасининг директори Шохруҳ Султонов. — Утган йили тендерда қолиб қиб, юртимизнинг кўпгина мактабларига кимё фани жиҳозлари, лаборатория ускуналарини етказиб берган эдик. Махсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ота-оналар, педагоглар, жамоатчиликнинг фикрига таянган ҳолда иш тутяганимиз.

— Кўргазмада намойиш этилаётган мебель ва жиҳозлар, ўқув услубий воситалар, кўргазмани қўроллар замон талаби даражасида экани мени қувонтирди, — деди Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 6-мактаб директори Раҳмон Болтабоев. — Айниқса, мебельларнинг ташқи кўриниши, сифати тобора такомиллашаётгани, ўқувчиларнинг ёши ва буй-бастига мослаб бораётгани, ўқувчилар учун фан йўналишлари бўйича зарур ўқув материалларининг бежирим ва қулайлиги эътиборга лойиқ. Шу маънода Самарқанддаги «Элҳолдинг» масъулият чекланган жамиятининг махсулотларига педагог жамоалари ўртасида талаб қатта.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тажрибали олимлар, педагоглар, ота-оналар, ўқувчилар намойиш этилаётган махсулотларнинг сифати, уларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**  
Суратда: кўргазмадан лавҳа.  
**Сервар ЎРМОНОВ (ЎЗА)**  
олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш.И.Салиховни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида

Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 март

ЎЗХДП ҳаёти

## ҲУҚУҚИЙ САВИЯНИНГ ЮКСАЛИШИ

СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати таркибида хотин-қизлар салмоқли ўрин тутди. Шунинг учун ҳам ЎЗХДП уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Республика хотин-қизлар кўмитаси хотин-қизлар ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Наманган вилоятининг Уйчи туманида ўтказилган семинар-мулоқот ҳам худди шу масалага қаратилди.

«Партия электоратини шакллантириш бош мақсадимиз» мавзусидаги тадбирни туман ҳокими, ЎЗХДПдан вилоят кенгашига депутат Муҳиддин Ва-

лиев кириш сўзи билан очди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухаббатхон Абдуллаева, сенатор Марҳабатхон Болтабоев, ЎЗХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, вилоят партия кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Дилором Сайфиқдироваларнинг чиқишлари иштирокчиларни ўзаро мулоқотга чорлади. Вазирлар Маҳкамасида 2005 йил якуни ва 2006 йилда амалга оширилажак устувор вазифалар бўйича ўтказилган мажлис ҳамда Олий Мажлис Сенатининг V ялпи йиғилишида Президентимиз мазруваларидан келиб чиқадиган масалалар ечими — тадбиркорликни, касаначиликни ривожланти-

риш бўйича «Олмурут» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Маликаҳон Жўрабоева, «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Дилором Худойбердиева, 35-ўрта мактаб директори, туман Кенгашидаги депутатлар гуруҳи раҳбари Зулхумор Каримова ва бошқалар ўз мулоҳазаси ва тақлифларини билдиришди. Иштирокчилар уй меҳнатини ташкил этишда микрокредитлар олишни осонлаштириш масаласидаги саволларига тегишлича жавоблар олишди.

Семинар ишида вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

(Умумхалқ хайрия ҳашарида 14 миллиондан кўпроқ юртдошларимиз иштирок этди)

Ҳашар ота-боболаримизнинг қадимий ва умрбоқий қадриятларидан. Ушбу бебаҳо анъанамизда халқимизнинг ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ўз ифодасини топган. Муштақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бу борадаги қадриятларимиз янги маъно ва мазмун билан бойитилди. 11-12 март кунлари мамлакатимизда уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бу яна бир бор намойён бўлди.



Мазкур тадбир халқимизга хос бағрикенглик, саховатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, Наврўзи олами муносиб қаршилаш, маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, республикамиздаги санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхшилаш мақсадида ташкил этилди. Умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича фаолият юритган республика штабидан олинган маълумотларга кўра, мазкур тадбирларда ўн тўрт миллион нафардан зиёд юртдошимиз иштирок этган.

Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракати билан ўттиз минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Қўллаб зиёратгоҳ, қабристон ва бошқа табарруқ қадамжолар тартибга келтирилиб, минглаб километр узунликдаги ариқ-зовулар тазолаанди. Ўттиз беш минг тоннадан кўпроқ чикинди ташиб кетилди. Қарийб ўттиз миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда гул қўчати ўтказилди. Дов-даракларга шакл берилди, оқланди.

Жумладан, пойтахтликлар кундан-кунга чирой очётган шаҳримиз қиёфасига янада кўрк қўшиш мақсадида барпо этилаётган янги халқа йўли қурилишида қурувчилар билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза

қўчасида қад рўстлаётган оилавий шифона бунёдкорлига амалий ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистонликлар даставвал кўча, хиббон ва маҳаллаларни чикиндилардан тазоладилар. Ҳашар ҳар бир корхона, ташиқот, муассаса, мактаб ва коллежда кўтарининг руҳда ўтди. Бундай тадбирларда, айниқса, олий ўқув юрталарининг талабалари фаол иштирок этдилар.

Фарғона вилоятида кўчалар, боғлар ва хиббонларга қарийб юз минг тупдан кўпроқ гул экилди.

Андижонликлар ҳар бир киши учун икки туп дарахт, халқ таълими фахрийлари эса тўрттадан меваги кўчат экиш ташаббуси билан ишладилар. Пахтаободлик фахрийлар эса «Устозлар боғи»га асос солдилар. Беш гектар тошқоқ ерга мевали дарахт экилди. Юртимизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлғи давомида туманда ўн саккизта ана шундай боғ ташкил этиш режалаштирилган.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилаган Қарши шаҳрида тегишли иншоотлар қурилишида ёшлар ўрнак кўрсатиш, ишладилар. Шаҳрисабзликлар эса соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллик юбилейига муносиб соғва ҳозирлаш мақсадида юбилей иншоотларида кенг қўламли ободонлаштириш иш-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 14 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.\*

1 Австралия доллари	883,56	1 Польша злотийси	369,32
1 Англия фунт стерлинги	2081,24	1 СДР	1727,46
1 Дания кронаси	193,09	1 Туркия лираси	897,21
1 БАА дирҳами	328,21	1 Швейцария франки	916,17
1 АҚШ доллари	1205,40	1 ЕВРО	1439,85
1 Миср фунти	210,55	10 Жанубий Корея вон	12,26
1 Испания кронаси	17,14	10 Япония иенаси	101,38
1 Канада доллари	1039,68	1 Россия рубли	43,02
1 Хитой юани	149,76	1 Украина гривнаси	238,69
1 Малайзия ринггити	324,25		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда топиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ҚЎШМА КОРХОНА ХОРИЖГА ЧИҚАЯПТИ

Улуғ аллома Ибн Сино юртида «Пешкутекс» Ўзбекистон — Белорусия қўшма корхонаси иш бошлаганига беш ой бўлди. Шу қисқа давр ичидаёқ қўшма корхона махсулоти талабгорлари орасидан Польша, Болгария ва Болтиқ бўйи давлатлари ўрин олди. Уларга бугунгача қарийб 500 минг АҚШ долларига тенг миқдорда махсулот экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган икки ойида ҳам чет эллик харидорлар 90 тоннага яқин ип-калага олишди.

— Дастлабки ютуқларимиз чакки бўлма-са-да, — дейди корхона бош директори Шароф Омонов. — Ҳали ундан ўзини қониққанмишга йўқ. Сабаби, корхонамиз ҳозир 50 фоиз атрафда қувват билан ишлаяпти. Агар тўла қувват билан

ишласа йилига 2600 тонна ип-калага ишлаб чиқариш имконимиз бор. Бу — салмоқлигина валюта, дегани.

Корхонада ҳозир пешкулик юзга яқин ёшлар меҳнат қилишяпти. 3 нафар мутахассис Чехия ва Швейцарияда малака оширмоқда. Унлаб ишчи-хизматчилар «Қорақўлтёкс» Ўзбекистон — Америка, «Олтинтекс» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналарига бориб хунар ўрганиб қайтишмоқда. Буларнинг ҳаммаси яқин келажақда корхонада экспорт салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилади. Масалан, жамоа шу йил охиригача камида 550 минг АҚШ доллари миқдорига тенг махсулот ишлаб чиқариб, унинг ҳам асосий қисмини хорижга сотишни кўзлаб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ

## «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

### «КИТОБ ЎҚИШГА ВАҚТИНГИЗ БОРМИ?.. ПУЛИНГИЗ-ЧИ?»

Газетамизнинг 2005 йил 27 октябрь сонидида «Долзарб мавзу» рўқнида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада бугун кўпчилигини ташвишга солаётган китобхонлик муаммоси, китоб савдоси ҳамда китоб дўконлари фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар тилга олинган эди. Яқинда таҳририятимизга Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчи бошқариш кўмитасидан мазкур мақолага жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулкчи кўмитаси томонидан дастлаб 2002 йил 13 августда 85-П-сонли буйруқ қабул қилинган. 2002 йил 4 сентябрдаги 246 к-ПО-сонли «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси-

нинг устав фондини шакллантириш тўғрисида»ги буйруғига асосан компания устав фонди шакллантирилган. «Ўзкитобсавдо» ДАКнинг устав тавсис шартномаси, акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кўзатув Кенгаши ва бошқаруви тўғрисидаги низоомлар ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган. Мазкур қарорнинг 6-бан-

ди ва 4-иловасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси, Матбуот ва ахборот агентлигига қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгилаш, уларда китоб махсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш, Давлат мулкчи кўмитасига эса китоб дўконлари очиш учун давлат мулкчи хисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда уларни қайта баҳолаш ва «Китобсавдо» худудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларига киритиш вазифаси юклатилган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 15 мартдаги 199-сонли қарорига биноан, Тошкент шаҳрида жойлашган 20 та китоб дўкони «Ўзкитобсавдо» ДАК балансида ўтказилган.

Шунингдек, вилоятлар ҳокимликлари томонидан китоб дўконлари очиш учун тақдим этилган давлат мулкчи хисобланган бинолар қайта баҳоланган ва «Китобсавдо» худудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларига киритилган.

Мақолада таъкидланганидек, республикада китоб савдоси тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Қарор ижроси бораси-

да вилоятлар ва туман ҳокимликларига юклатилган вазифалар охирига етказилмаган.

Мақолада долзарб мавзу кўтарилганини инобатга олиниб ҳамда ушбу камчилигини бартараф қилиш мақсадида Давлат мулкчи кўмитасида мазкур масала «Ўзкитобсавдо» ДАК раҳбарияти ва мутахассислар билан биргаликда атрофлича муҳокама қилинди, бевосита жойлардаги аҳвол ўрганилди, китоб савдоси тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланди. Муҳокама натижаларига кўра, қарор ижросини таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан таҳририятга қўшимча маълумот тақдим қилинди.

Раиснинг биринчи ўринбосари **И.ЯКОВЛЕВ**.

O'zbekiston havo yo'lari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Халқлар аниқлашгани

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!  
Tel: 120-45-01, 123-45-82, fax: 133-32-40  
www.uzspb.com e-mail: info@uzspb.com  
Халқлар аниқлашгани

**TOSHKENT SHAHAR MUNICIPAL BIRJA MARKAZI**  
**MULKIDORGA HANKORI**  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Fax: 133-20-74  
WWW.tshbom.uz E-mail: info@tshbom.uz va Birja@mail.tps.uz  
Халқлар аниқлашгани

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР**  
Халқлар аниқлашгани

Бугуннинг гапи

Биз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ин- маффаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт- шариоит ва етарли имкон яратмасдан ҳамда бу ҳақиқатни тан олмасдан туриб, янгиланиш сари, та- раққиёт сари изчил ҳаракат қилолмаслигимизни чу- қур англаб ололдик. Ана шу тамойил — ўн беш йил- ки, бутун диққат-эътиборимизни инсоннинг ижтимо- ий-иқтисодий маффаатларини таъминлашга, ҳар бир оиланинг ва ҳар бир кишининг турмуш шароитини яхшилашга, фаровонлигини оширишга қаратмоқда.

Президентимиз яқинда 2005 йил ақунлари ва 2006 йил устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам аҳоли иж- тимой муҳофазасига алоҳида тўхтади. Мамлақати- миз сиёсий қуларидан бири бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурининг бош ғояси ҳам иж- тимой ҳимояга суянган бозор иқтисодиётидир.

Шу жиҳатдан ХДП ғоялари Меҳнат ва аҳолини иж- тимой муҳофаз қилиш вазирлиги мақсадлари бил- ан муштарак.

— Оқил Обидович, Халқ демократик партияси электоратининг асосини ижтимоий ҳимояга муҳ- тож қатлам — хусусан, пенсионерлар, ногирон- лар, кам таъминланган оилалар, ишсиз ёшлар ташкил этади. Партия уларнинг маффаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Бизни айнан ана шу қатламни ижтимоий ҳимоялаш борасида ва- зирлик олиб бораётган ишлар қизиқтиради.

— Аввало кам таъминлан- ган оилаларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ҳақида ай- рим маълумотларни келтирай.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш ма- салалари тўғрисида»ги қарорига биноан «Кам таъ- минланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғри- сида»ги Низом тасдиқлан- ган. Мазкур Низом Прези- дентимизнинг «Кам таъмин- ланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайти- ришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ жорий этилган ва кам таъминланган оилалар- ни ҳисобга олиш, уларга ҳар ойлик моддий ёрдам таъин- лаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди.

Кам даромадли оилалар- га ҳар ойлик моддий ёрдам таъинлаш ва уларнинг миқ-

дорини белгилаш тўғриси- даги қарор фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари — қишлоқ, овул ва ша- ҳар маҳаллалари фўқарола- ри йигинлари, йигинни ўтқа- зиш имкони бўлмаганда кўчалар, турар жойлар — қишлоқ, овул маҳаллалари фўқаролари вакилларининг йигилиши томонидан қабул қилинади. Бу борада 2005 йилда Республика буйича оилаларга 273,4 мингта мод- дий ёрдам таъинланган. Уларга тўланган жами маб- лағ 9166,3 млн. сўмни таш- қил этди. Моддий ёрдам олаётган оилалар сони бугун- га 66625 тага етди. Уртача бир оиллага тўғри келадиган моддий ёрдам миқдори 14795 сўмга тўғри келди.

— Ўтган «Сихат-сало- матлик йили» Давлат да- сатурида «Кексаларнинг соғлом ва муносиб тур- муш кечирishi, пенсио- нерлар, ногиронлар ва алоҳида парваршига муҳ- тож кишиларнинг сало- матлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шариоит- лар яратиш» борасида қатор тадбирлар белги- ланган эди.

— Дастурга биноан 2005 йил мобайнида 31 минг на- фар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунинг- дек, ногиронлар вазирлик тизимидаги сихатдошларда, Семашко номидаги илмий текшириш институти ва ка- саба уюшмалари ҳамда идоравий сихатдошларда бепул соғломлаштириш



ниб, ўтган йилнинг май ойида фойдаланишга топ- ширилди. Сихатдошда ҳар ойда 170 нафарга яқин пенсионер ва ногиронлар соғломлаштирилмоқда. Катаракта асоратларидан кўзи охири, ёлғиз, кекса, кам таъминланган оилалар аъзо- ларидан — 1143 нафар меҳ- натта лаёқатли ёшдаги ноги- ронлар (сунъий кўз гавҳари имплантацияси йўли билан реабилитация қилиш орқали)

да чиқиб қилиб, ногирон болалар ўртасида спорт- соғломлаштириш мусоба- қаларига алоҳида эъти- бор берилётгани ҳақида мамнуният билан гапир- ганди...

— Меҳнат ва аҳолини иж- тимой муҳофаз қилиш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳам- корлигида «Мурувват» уйла- рида яшовчи ногирон бола- лар ўртасида II-Паролимпия

Шу билан бирга халқро гуманитар ташкилотлар маблағлари ҳисобидан Тош- кент 2-сон болалар Мурув- ват уйида ёпиқ бассейни ва ошхона қуриб ишга туши- рилди ва тўла ҳиозланди. Бу ишларга халқро гума- нитар ташкилотларнинг 287,0 млн. сўм маблағи жалб қилинди.

— Одатда, тақдир тако- зиси билан ногирон бўлиб қолган болалар орасида

Чернобилчилар ассоциация- си, байналминдлик жангчи- лар жамайти, КРИДИ, УМР ташкилотлари, республика Касаба уюшмалари Федера- цияси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқро хайрия жамағмаси, «Сен ёлғиз эмассан», «Бола- лар», «Нуроний», «Маҳалла», «Меҳр-шафқат ва саломат- лик» жамағмалари, Қизил ярим ой жамайти, шунингдек Каунтерпанд интернейшнл, Ворлд Концерн, АДРА, Сама- ритяниз пёрст, Сохнут, Янгар, Харвест, Оннури ва «Норт Вест Медикал Тим» сингари кўплаб чет эл инсонпарвар- лик ташкилотларидир.

— «Ҳомийлар ва шифокор- лар йили» дастури ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— «Ҳомийлар ва шифокор- лар йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазир- ликнинг 2006 йил 31 январь 19- сонли буйруғи чиқарилди. Унга кўра, дастур ижроси буйича ва- зирлик Илчи гуруҳи тарихи, тегишли чора-тадбирлар, ижро механизми белгилади ва ижро учун жойларга етказил- ди. Буйруқда амалга оширил- ган ишлар тўғрисида ойлик тез- кор ахборотлар ҳамда чорак- лик ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби аниқ кўрсатиб ўтилган. Имкониятдан фойдаланиб, шуни алоҳида таъкидламоқчи- манки, давлатимиз бозор иқти- содиётига ўтишда, халқнинг туб маффаатларини қўлаб, энг устувор ва энг муҳим йўналиш — аҳолининг ижтимоий муҳо- фазасини ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда ҳам ўзи етакчилик қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва у киши ишлаб чиққан та- мойиллар асосида бундай кишиларни ҳукуматимиз ўз паноҳига олди.

— Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йи- гилишидаги маърузасида ҳам Президентимиз бу бо- рада аниқ рақамлар, фо- излар ва кўрсаткичларни келтириб ўтдилар...

— Ҳа-да, биргина ўтган йили пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фо- изга ошиб, аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайган бўлса, 2006 йилда улар тегишли равишда — икки босқичда 1,4 мартабга ошиб, реал пул даромадла- ри камида 20 фоизга ўси- ши режалаштирилган.

Йирик ва кичик ишлаб чи- қарувчилар ўртасидаги ко- операцияни, шунингдек, ка- саначиликнинг кенгайтириш борасида қўрилаётган чора- тадбирлар ҳам айна мана шу тоифадаги одамларимиз маффаатига хизмат қилади, аҳоли даромадлари ўсиши- ни тезлаштиради.

Қолаверса, бугунги кунда аҳолининг ижтимоий муҳо- фазига муҳтож қатламни моддий-маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаётган турли ижтимоий жамағмалар ҳам фаолият кўрсатмоқда...

Аммо нуқсон ва камчи- ликларимиз, эҳл этилмаган муаммоларимиз борлиги ҳам, табиий.

Лекин, мен ишонаман, бу- лар ҳаммаси вақтинчалик ҳол. Энг кам иш ҳақи, пен- сиялар, нафақа ва стипен- диаларнинг қайта-қайта, энг муҳими — нарх-навонинг эркинлиги ва инфляциядан муҳофаз қиладиган тарз- да оширилиши ўтиш даври- нинг ҳамма муаммо ва қийинчиликларини енгила- тишга, одамларнинг бозор шароитларига мослашиб олишига имкон бермоқда.

— Оқил Обидович, суҳ- батимиз бошида сиз ЎзХДП дастури билан яши танншман дедингиз. Партияимиз дастурида кўта- рилган ғоялар ҳақида фик- рингизни билмоқчи эдик.

— Ундаги ғоялар бизнинг Вазирлигимиз ғоялари билан ҳамбарчас боғлиқ. Биз ҳам мамлакат иқтисодиёти риво- жининг стратегия йўлида фа- қат эркин бозор ғояси эмас, ижтимоий муҳофазани ҳам кўзда тутган бозор ғояси тарафдоримиз. Бу ғоя бағри- кенглиги ва инсонпарварлик асосига қурилган. Бизнинг вазирлигимиз бош вазифа- си ҳам инсон маффаати ва унинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган. Демак, мақсад- ларимиз муштарак. Умуман- санд йўлида ҳамкорлигимиз- ни янада кучайтиришимиз лозим. Ижтимоий муҳофаз ҳаммининг — давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларининг ҳам, турли хайрия жамағ- маларининг ҳам асосий вазифа- си бўлмоғи кераклигини Президентимиз бот-бот таъ- қидлаб келмоқда.

Номус САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА — ҲАММАНИНГ ВАЗИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИ ОҚИЛ ОБИДОВ БИЛАН СУҲБАТ

Мулоҳаза учун айрим маълумотлар:

2006 йилнинг 1 январь ҳолатига республика буйича пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 2956833 нафарни ташкил этди (шундан, 2716083 нафари пенсия олувчилар, 240750 нафари ижтимоий нафақа олувчилардир). 2005 йил давомида пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар пенсия миқдори ўрта ҳисобда 1,44 баробарга оширилди.

Республикада ҳозиргача 772,1 минг нафар ногиронлар қайд қилинган бўлиб, бурноғи 2004 йилнинг шу даврига (786,3 на- фар) нисбатан 1,2 фоизга камайган. Улардан 16 ёшдан юқори ёшдаги ногиронлар 656,8 нафарни (2004 йилда 664,8 нафар) ташкил этиб, 1,2 фоизга пасади, 16 ёшгача ногиронлар 119,8 нафар (ёки 2004 йилга нисбатан — 1,4 фоизга оз).

Жами тизимдаги реабилитация марказларидан (РМ) 13353 на- фар (2004 йилда 13045 нафар) ногирон тиббий-ижтимоий ре- абилитация чораларини олди (яъни 308 та — 2,3 фоизга ортик).

РМларда реабилитация самарадорлиги 43,2%ни ташкил этиб, ўтган 2004 йилга нисбатан 0,2%га камайди. Бундан тўлиқ ре- абилитация 16,5% (2004 йилда 16,5%), қисман реабилитация кўрсаткичи 26,7% (2004 йилда 27,3%) ни ташкил этди.

Реабилитация марказларида 1927 нафар (16,5%) беморлар соғликлари тикланганлиги туфайли ногиронлик гуруҳи бекор қили- ниб, ишга жойлаштирилиш учун тавсиялар берилди.

белгиланган бўлиб, йил мо- байнида 42,2 минг нафардан ортик (режага нисбатан 131%) пенсионер ва ноги- ронлар соғломлаштирилди. Вазирлигимизга қарашли Жиззах вилояти. Галларол туманида жойлашган «Мар- жонсуви» уруш ва меҳнат фахрийлари сихатдошининг 110 ўринли ётоқ корпуси тўлиқ реконструкция қили-

тўлақонли ҳаётга қайтарил- ди. Шунингдек 3400 тадан зиёд ногиронлар аравачаси, 1500 та эшитиш мосламалари эҳтиёжманларга етказиб берилди. Ҳассо ва кўпикта- ёқларга муҳтож бўлган 3600 нафардан ортик ногиронлар эҳтиёжи эса тўла қондирил- ди.

— Яқинда ходимларин- гиздан бири телевизор-

спорт ўйинлари ўтказилди. Мусобақа голиблариغا Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Нуроний», «Маҳалла», «Бола- лар» жамағмалари, «Камо- лот» ёшлар ижтимоий ҳара- кати, Қизил ярим ой жамаи- ти, Ногиронлар жамайти ва бошқа турли ташкилотлар- нинг совғалари топширил- ди.

иктидорлилар кўп учрай- ди. Уларга бўлган эъти- бор ва гамхўрлик ҳақида гапириб берсангиз?

— Ўтган йилнинг август ойида таянч-харакатланиш тизими патологияси мавжуд бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор бўёқлар олами» мавзусида 10-халқро кўрик-танловнинг финал босқичи Тошкент ви- лояти Ўртачирик тумани Йил ота жамоа ҳўжалигида ўтқа- зилди. Ушбу тадбирда ҳамюртларимиздан ташқари Қозғистон, Қирғизистон, То- жикистон Республикаларидан ҳамда Америка Қўшма Штат- лари, Корея Республикаси ва Афғонистондан 82 нафар иктидорли ногирон болалар иштирок этди. Ногиронлар ва уларнинг кузатувчиларини конкурсга келиб-кетиш — ҳамма тадбирлари тўла амал- га оширилди. Шу жумладан жами бу мақсадларга 136,1 млн. сўм ҳомийлар маблағи сарфланди.

Ногиронларни ижтимоий муҳофаз қилиш, уларга иж- тимой ёрдам кўрсатишда давлат идоралари билан бир қаторда турли хил жамоат ташкилотлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Булар — республика ноги- ронлар жамайти, кўзи охири- лар ва қарлар жамайти,

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ХАЛҚ БИЗГА ИШОНИБ ОВОЗ БЕРГАН

АГАР ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВОМИДА СИДҚИДИЛДАН ИШЛАМА- САҚ, ЁНИБ ЯШАМАСАҚ, САЙЛОВЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧИ ОҚЛАНМАЙ ҚОЛИШИ МУМКИН

Президентимизнинг Вазир- лар Маҳкамаси мажлиси ҳамда Олий Мажлис Сенати- нинг бешичини ялпи мажлиси- да қилган маърузаларидан кел- либ чиқадиган устувор вази- фаларни амалиётга татбиқ этиш барчамиз учун долзарб вазифадир. Шундан келиб чи- қиб бунда ХДП фаоллари ва парламент кўйи палатасида- ги фракциясининг иштироки- ни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон ХДП фаоллари ўзининг алоҳида кенгайтирил- ган йиғилишини ўтказди. Чун- ки, мазкур маърузада белги- ланган мақсад ва вазифалар- нинг ижроси қанчалик тез ва сифатли таъминланса, партия электорати бўлган аҳоли қат- ламларининг маффаатларини ҳимоя қилишда янада кенг имкониятлар очилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «ислоҳ қилиш- нинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмидаги вужуд- га келтирдик, ўзимиз учун жа- миятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олиши- миз кераклиги тўғрисида му- хим хулоса чиқариб олдик». Бугунги кунда қонунлар иж- тимой ҳаётни, ижтимоий му- носабатларни тартибга соли- шларнинг асосий воситаси бўлиб қолди. Демак, биз чу- қур ўйлаб ишланган, ҳар то- монлама асосланган, узок муддат амал қиладиган қонун- ларга эга бўлишимиз керак. Энг муҳими, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Се-

нати Юртбошимизнинг ҳар бир маърузаси, Фармон ва қарорларида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берувчи қонунлар устида тез ва сифатли ишларни амалга ошириши зарур. Мамлакат қонун чиқарувчи олий органини икки палатали тарада шакллантиришдан мақ- сад, қонунларни ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўли- ши ва ундан келиб чиқмоқчи- ларни таъминлаш, мавжуд му- аммоларни ҳал этишдаги са- марадорлигини ошириш эди. Қонунлар лойиҳаларини тайёр- лаш ва кўриб чиқиш ошорак- лик, очикчилик асосида бўлиши- ни экспертлар, кенг жамоат- ахборот, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ҳар то- монлама муҳокама қилишни одат тусига киритиш керак. Бунда Олий Мажлис Қонунчи- лик палатасидаги ХДП фрак- цияси аъзоларига жойлардаги ахволдан доимий равишда ха- бардор бўлган ва ҳаётий тажри- бага эга бўлган партияимиз фаолиларининг кўмаги, амалий ёрдами ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур бўлади, деб ўйлайман.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши лозим. Улар амалиётда пай- до бўладиган ҳар қандай ма- салаларнинг ҳуқуқий ҳал қилиш- га имкон бериши зарур. Бу- нинг учун қонунлар ҳаётий бўлиши, бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар билан чек- лаб қўйилмаслиги керак. Жойларда қонунларга қўшим-

ча эмас, балки бу қонунлар- нинг ижросига оид ҳужжатлар қабул қилиниши зарур. Ана шундагина қонунларнинг амалдаги самарадорлиги ор- тади, айрим тушунмовчилик- лар ўз ечимини топади.

Таъбир жоиз бўлса, мамла- кат раҳбари биз халқ ноибла- ридан, барча даражадаги бошқарув органлари раҳбар- ларидан кўп нарсани талаб қилаётгани йўқ. Фақатгина, ўқинчи хузур-халоватдан ке- чиб, шахсий маффаатларимиз- ни бир четга қўйиб, шу халққа, шу Ватанга фидойилик билан ишлашни, халқимиз урф-одат- ларига зид бўлган тўрачилик, лоқайдлик, бировни менси- маслик иллатларини одат қил- маслигимизни сўраётми холос.

Шундай экан, биз ҳар қачонгидан ҳам жипсрок, фа- ороққ бўлиб, бекорқлик, кўникиш иллатларига муро- сасиз бўлишимиз, халқ маффа- атларини ҳар нарсадан устун қўйишимиз зарур. Хулоса қилиб айтганда ХДП аъзола- ри бу борада ҳам олдинги сафларда бўлиши, одамлар ишончини оқламоғи керак. Ушундагина ортимиздан эр- гашадиганлар сони кўпаяди. Халқ бизга таянади. Зарур бўлганда ўзини қийнаётган, қалбини ўртаётган дардини тўкиб солади. Партияимиз ва унинг тарафдорлари ўртаси- да мустаҳкам ишонч кўприги бунёд этилади.

Абдумалик РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчи- лик палатаси Қонунчи- лик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси

Жорий йилнинг 8 марта- ди АҚШ Давлат департамен- ти 2005 йилда дунёнинг 190дан зиёд мамлакатига инсон ҳуқуқлари борасидаги ахвол тўғрисида навбат- даги йиллик ҳисоботни эълон қилди. Қатор мамла- катлар АҚШ Давлат депар- таментининг ушбу бир ёқла- ма, сиёсийлашган ва ноҳо- лис ёндашувлари кескин ин- кор этди. Уларнинг фикри- ча, бу маҳкама ўзга давлат- ларнинг камчиликларини танқид қилгани ҳолда, АҚШнинг ўзидаги айни кам- чиликлар ҳақида лом-мим демаган. Боз устига, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мам- лакатларига нисбатан «икки ёқлама стандартлар»ни қўллаган.

АҚШ Давлат департамен- тининг ушбу ҳисоботида жа- вобан ХХР Давлат кенгаши- нинг матбуот девонхонаси жорий йилнинг 9 мартада «АҚШда инсон ҳуқуқлари — 2005» ҳисоботини эълон қилди. Бу сўнгги йилларда АҚШда инсон ҳуқуқлари би- лан боғлиқ муаммоларга ба- ғишланган еттинчи ҳужжат бўлди. Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги мазкур ҳисобот «Давлат департа- ментининг Хитой шаънига айтилган асоссиз айбловла- рига жавоб» эканлиги ҳақида хабар тарқатди. Хитой томо- нининг билдиришича, «Аме- рика ҳукумати аввало АҚШ- нинг ўзидаги инсон ҳуқуқла- ри билан боғлиқ муаммолар ечимига эътибор қаратиши керак, Американинг бошқа мамлакатларга буйруқ ва фармойишлар бериш ҳуқуқи йўқ».

Ҳужжат етти бўлимдан иборат: «Шах ҳаёти ва ҳаф- сизлиги», «Ҳуқуқчи ҳимоя инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши», «Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар», «Ирқий камситиш- лар», «Аёллар ва болаларнинг аҳоли», «Америка Қўшма Штатлари томонидан бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг поймол этили- ши».

Хитой томонининг ҳисоботида таъкидланишича, АҚШ- даги зўравонлик мамлакат фўқаролари учун ҳаёт ва ҳаф- сизлик ҳуқуқини кафолатлаш

рафия «капиталнинг малайига айланган». Аслида АҚШдаги «демократик» сайловлар «хам- ёнларнинг рақобати»дан ўзга нарса эмас: Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг 2005 йилнинг ноябрида сайловда иккинчи бор ғалаба қозониш учун умумий иш ҳисобига 77,89 миллион доллар сарфлади. Шу тариқа, бу тадбир АҚШ тарихидаги энг серхаражат мэр сайлови бўлиб қолди.

Бундан ташқари, ҳисоботда «АҚШнинг бошқа давлатлар- га нисбатан амалга оширган босқинчиликлари ҳамда улар- нинг иншоотларига берган ҳарбий зарбалари чоғида тинч аҳоли орасида кўплаб беғу- ноҳ одамлар ўлдирилгани» тўғрисидаги фактлар ҳам кел- тилилади. Жумладан, «2003 йилда америкалик ҳарбийлар Ироққа бостириб кирганидан кейин ўтган давр мобайнида ушбу мамлакатда ҳалок бўлган фўқаролар сони 100 мингта етгани, уларнинг ак- сариятини аёллар ва болалар ташкил этиши» қайд қилина- ди.

Ҳисоботнинг якуний қисми- да Америка ҳукумати «ўз мам- лакатидаги инсон ҳуқуқлари муаммоларига очик кўз билан қараш ва бу борадаги ахвол- чини яхшилаш учун амалий чо- ралар кўриш»га даъват эти- лади.

Венесуэла вице-президен- ти Х.Ранхель АҚШ Давлат де- партаменти эълон қилган ҳисоботга муносабат билди- рар экан, «Вашингтон бирон бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари борасидаги ахвол- ни танқид қилишга ҳақли

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

Таълим ва ислохот

# КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ — БОШ МЕЗОН

Комил инсон шахсида етук салоҳият, билим ва тафаккур, теран дунёқараш мажассамлашган бўлади. Аслида, шахснинг қомиллиги унинг ҳуқуқий савиясидан, билимидан бошланади. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини, шу билан бирга давлат ҳамда жамият олдидаги бурчини билимасдан, англмасдан туриб етук шахсга айланолмайди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда инсон, унинг қадр-қиммати алоҳида уруғ берган эди. Бундан ҳар бир фуқаро тегишли ҳулоса чиқариши лозим. Шундай экан, бугун ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш олдимизда турган энг муҳим ва масъулиятли вазифа бўлиб қолмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кейинги йиллардаги фаолиятига назар ташласак бу борада қатор муваффақиятлар қўлга киритилганига гувоҳ бўлаемиз. Хусусан, бунда биринчи галда қимматига тарбияси, маънавий юксакликка эришиш масаласи бош мезон ҳисобланади.

Жумладан, вазирлик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликини ошириш борасида қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилдики, булар ёшлар ҳуқуқий савиясини кўтаришда, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб бизнинг институтимизда ҳам ёшлар учун ҳуқуқий ва сиёсий махсуслашган тарғиб ташкил этилди. Бу ерда нафақат талабалар, балки фуқаролар ҳам муайян тартиб асо-

сида қабул қилиниб, уларнинг муҳожаатлари ўрганилади. Сўнгра кўрилган чора-тадбир, қабул қилинган қарорлар фуқарога етказилади. Шунингдек, ҳафтанинг ҳар шанбаси барча факультетларда «Очик эшиклар кўни» деб белгиланган. Унда институт раҳбарияти талабалар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилади. Кўрилган масалалар тегишли равишда ҳал этилади. Ота-оналарга фарзанднинг ўқишида муаммо туғилса қандай муҳожаат қилишлари тушундирилади.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан олий таълим муассасаларида «Ота-оналар кўни»ни ўтказиш тўғрисидаги тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва ҳуқуқий мақом берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар уч ойда ўқитиб бориладиган ушбу тадбирда улар талабаларнинг ўқиши, яратилган шарт-шароитлар ва маънавий баркамолликка эришишга қаратилган клублар фаолияти, тўғрақилари иши билан яқиндан танишадилар ҳамда ҳуқуқий мавзулардаги суҳбатларда иштирок этадилар. Албатта, талабанинг оиладаги ўрни қандай, у нималарга қизиқади, оила даврасида қанақа суҳбатлар бўлади, умуман, унинг дунёқараш қандай? Мана шу кўринишдаги саволларга «Ота-оналар кўни»да бевосита жавоб топиш мумкин. Бу

эса талабанинг шаклланишида у билан қай йўсида иш олиб бориш лозимлигини белгилаб берувчи омилдир.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Юртбошимизнинг ташаббуси билан пойтахтимиз Тошкентда «Ёшлик» талабалар шахарчасининг тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этиши нафақат талабаларни, балки бизнинг институтимиз ёшларини ҳам руҳлантириб юборди. Бугунги кунда ушбу ташаббусдан ўрнак олиб бизда ҳам вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилди. Талабалар турар-жойлари, спорт иншоотлари, маиший хизмат объектлари замонавий кўринишда таъмирланмоқда.

Президентимиз «Ёшлик» талабалар шахарчасида бунёд этилган «Маънавият ва маърифат маркази»да ёшлар билан учрашиб, суҳбатлашганда маънавий-маърифий масалаларга ҳам тўхталиб, бир қанча муҳим тавсияларини берган эдилар. Мана шу учрашувда айтилган тавсиялар бугун мамлакатимиз ёшларини руҳлантириб юборди.

Жумладан, йўлбошимиз таъкидлаганларидек, маънавият ҳақидаги мулоқот ва суҳбатлар расмий гап-рақат холи бўлиши зарур. Шу маънода, шунчаки ташкил этилаётган тадбирлар,

ҳўжақўрсинга ўтказилаётган йиғилишлардан воз кечиш вақти келди.

Эндиликда биз ҳам фаолиятимизни шу руҳда, яъни талабалар тақлиф ва хоҳишларидан келиб чиқиб ташкил этмоқдамиз. Тадбирларда ёшларимиз ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ҳам самарали, ҳам натижаларга бой бўлмоқда. Ҳозирда бу борада талабалар учун ажратилган «Ёшлар маркази»да уларга барча имкониятлар яратилган. Интеллектуал ўйинлар, дебат клублар фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, байрамларни нишонлаш, маънавият кўнларида театрларга ташрифлар умумийлик касб этса-да, тарбиявий фаолиятимизда индивидуалликка уруғ беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу ўринда икки оғиз «Устоз-шогирд» аёнана ҳақида. Бу тизимнинг тарихий келиб чиқиши ҳаммамизга яхши маълум. Халқимизнинг узоқ асрлардан бери шаклланиб, сайқалланиб келаётган ва ўзини оқлаган ушбу тарбия тизимининг олий таълимда қайта ташкил этилиши ҳозирга келиб ижобий натижалар бера бормоқда. Шу боис институтимизда устоз-шогирд тизимини шакллантириш, уни ҳуқуқий жиҳатдан муостахкамлаш алоҳида эътибор берилмоқда.

Талабаларимиз учун ярати-

лаётган янгиликлар ҳақида сўз кетар экан, савол туғилади: бугунги ёшлар нимани хоҳлашади? Уларнинг эҳтиёжлари нималардан иборат? Ҳозирги кунда бу каби саволлар орқали ёшларнинг фикрлари, тақлиф ва хоҳиш-истаклари бевосита мулоқот жараёнида ҳамда институтда ташкил этилган «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказиладиган сўровномалар орқали умумлаштирилади. Хулосалар асосида тегишли қарорлар қабул қилиниб, амалий чора-тадбирлар белгиланади. Булар иш жараёнида пайдо бўлаётган тўсиқларни енгиб ўтиш, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасидаги амалий ишлар сирасига қиради.

Шунингдек, бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири — ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий онгини шакллантириш, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар муҳитини, ҳар хил «ўйинлардан кўзланган ғаразли мақсадларнинг негизидаги мудоалани, иқтисодий хуружларнинг оқибатларини улар тафаккурини сиғдиришдир. Бунда талабалар ўқув жараёнида олган назарий билимларини «нотиклар гуруҳи» ва дебат клубидаги баҳсларда муостахкамлаб боради. Қисқа қилиб айтганда, мазкур янгилик ёндашувлар аниқ пайтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидеги барча олий ўқув юртиларида тарбиявий ишларни тўғри ташкил этишда катта аҳамият касб этамоқда.

**Муродулло НОРМУДОВ,**  
**Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

Мулоҳаза

# МАРКЕТИНГ ВА УНИ БОШҚАРУВ

Маркетинг бошқариш — маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий, молиявий, меъёрий ва бошқа ресурсларнинг мажмуи бўлиб, у барча ҳодимлар фаолиятини бир мақсадга йўналтиради, уштиради ва мувофиқлаштиради. Бунда шубҳасиз, иқтисодий, техникавий ва бошқа омиллардан онгли равишда фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан тизимнинг тарихий қисмларига унинг: бошқарув мақсади таъминоти, вази-фалари, ташкили, таълими, усуллари, бошқарув техникаси, технологияси, кадрлар ва ҳоказолар қиради.

**Бошқарув мақсади** тизимнинг тўғри ва мураккаблиги даражасига қараб ўзгариб боради. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам маркетинг бошқаруви бизнингча: бозор имкониятлари таҳлили; мақсадли бозорни танлаш; маркетинг комплексини ишлаб чиқиш ва маркетинг чора-тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш каби жараёнлардан иборат бўлади.

Масалан, **бозор имкониятлари таҳлили**да маркетинг тадқиқотлари, маркетинг ахбороти, маркетинг муҳити, бозор тузилиши, улгуржи ва чакана савдо таҳлили олиб борилса, **мақсадли бозор танлаш**да талаб ҳажмининг ўлчо-ви, бозорни сегментлаш жараёнлари кўрилади.

Шундай экан, **маркетинг комплекси** (мажмуаси) товар ишлаб чиқариш, товарга нарх ўрнатиш, товарларни тарқатиш усуллари ва сотишни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг коммуника-тив сиёсатини белгилаш каби жараёнлардан иборат бўлади. Мақсадли бозор танлашда ре-

жалаштириш тизими (стратегик режалаштириш ҳам) ва фаолият назорат турлари ҳамда корхонанинг ташкилий тизими ўрганилади.

Негаки, маркетинг ва унинг бошқарувида «маркетинг муҳити» деган тушунча — фир-манинг корхона ёки унинг юқори ташкилотлари фаоли-ятига таъсир кўрсатувчи иж-тимоий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий омилларни аниқлади. У ички ва ташқи муҳитлар билан фарқланади. Ички муҳит шаклланган омиллар — фир-ма раҳбарияти томонидан на-зорат қилинувчи технология жараён, ташкилий тузилиш, молия бозори танлови ва бошқалар билан боғлиқ. На-зорат қилинадиган омиллар-ни ташкилот ва унинг марке-тинг хизмати бошқаради.

Лекин, назорат қилинмайдиган омилларнинг салбий таъсири натижасида (у қан-чалик жозибали бўлмасин!) ҳар қандай режа барбод бўли-ши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ташқи муҳитни мунтазам кузатиб бориш, унинг таъсирини муттасил ҳисобга олиш лозим бўлади. Борди-ю, қутилмаган вазият-лар содир бўлганда қилина-диган ишлар ҳам олдидан режада кўзда тутилган бўли-ши керак. Бунда назорат (ис-теъмоличлар, рақобат, ҳуку-мат, иқтисодиёт, технология, оммавий ахборот воситалари) таъсири олдидан ташкил қилиниши ва улар албатта қисқасини айтганда, бозор таъминоти олиниши муҳимдир. Хулоса шунки, фирма ёки кор-хонанинг бутун фаолияти тўла-тўқис бозор муносаба-тларини муҳасамалаштирар экан, фирма, бозор тушунча-лари — бозор иқтисодиёти

шароитида бир-бирдан аж-ратиб бўлмайдиган иқтисодий категориялардир. Чунки, фир-малар фаолиятисиз бозор бўлиши мумкин эмас.

Зеро, бозор таъминоти ўзи-га хос функционал таъминот-ларга ҳам боғлиқ. Бироқ, биз-да ҳали функционал тузилиш-да қатор камчиликлар бор. Жумладан, товарлар бўйича алоҳида бўлимлар йўқ; бозор-нинг ҳудудий сегментлари бўйича махсус хизматлар ҳам мавжуд эмас. Бозор талаблар-ининг ўзгариши ва истеъмол-чиллар талабига оператив (тезкор) реакция (муносабат) суст. Пировадда, буларнинг ҳаммаси, назаримизда марке-тинг ташкилотлари тадбирлар-ини молиялаштириш масала-лари ҳал этилишини қийин-лаштирмоқда.

Айни пайтда, товар таъми-ни бўйича ташкилий шаклда ҳам айрим камчиликлар бор-дек... Чунончи, товарлар бўйича гуруҳлардаги ишларни ўз мажбуриятларини самарали бажариш учун «етарли ҳуқуқларга эга эмас. Бошқа-рув аппаратида ҳамон катта сонли гуруҳлар пайдо бўли-ши — уларни узоқ ушлаб тури-риш ва катта харажатлар қилинишига олиб келмоқда. Қисқасини айтганда, бозор таъминоти бўйича кўра, корхоналар ўз товарини турли хусусиятга эга бозорларда сотади. Де-мак, турли бозорларнинг со-ети олиш хусусиятлари ёки турли товар афзалликлари ҳам маркетинг хизмати бўлимларнинг асосий бозор-ларга кириб боришига катта омил бўлади.

**Барно МАТЌУБОВА,**  
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси.**

ЭРОН

АҚШ ва Европа БМТ Хавфсизлик Кенгашидан Эронга икки ҳафта муҳлат берилиши талаб қилинмоқда. Шу муддат ичиде Эрон урнини бойитиш борасидаги, анкироги, ядро дастури бўйича олиб бораётган ишларни тўхтатиши шарт. Бу ҳақда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга қарши қўлланилиши мумкин бўлган резолюциясида алоҳида қайд этилган, дейилди «АФР» ахборот агентлиги хабариди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бир неча Европа давлатлари ҳаммуаллифлигида яратилган ушбу ҳужжатда айтилишича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронни ядро дастури бўйича амалга ошираётган ишларини тезда тўхтатишга чакориши лозим. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ эса 14 кунлик муҳлат ичиде Эронга қўйиладиган талаблар бажарилган-бажарилмаганлиги ҳақида Хавфсизлик Кенгашига ахборот бериши керак.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда Хавфсизлик Кенгаши Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг қўшимча протоколини ратификация қилишни Эрондан талаб этиши айтилган.

Яна бир гап. Утган ҳафтанинг жумасида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция дипломатлари Нью-Йоркда Эроннинг ядро дастури масаласи бўйича иккинчи босқич музокараларини якунладилар. Унда ҳеч қандай келишув битими имзоланмади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ушбу масала бўйича мажлиси шу ҳафта Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтди.

БЕЛОРУСИЯ

Белорусия президентлигида номзод, «Грамада» партияси етакчиси Александр Козулин яна бир номзод, мамлакат президенти Александр Лукашенкога қарши курашининг уч усулини илгариси сурди.

«Telegraf.by» ахборот агентлиги хабар беришича, Козулин бу тақлифни бирлашган муҳоли-фатдан номзоди кўрсатилган Александр Милинкевич билан учрашувда баён этди.

Биринчи усул: сайловга бир неча кун қолганда бу икки шахс ҳам ўз номзодини қайтиб олиш ҳақида баёнот билан чиқиш. Сабаб: уларнинг айтишларича, президент сайловининг мудоалатидан аввал ўтказилиши ноқонуний, бундан ташқари сайлов кампанияси даврида жиддий ҳа-толикларга йўл қўйилмоқда. Шунинг учун сайлов 16 июлда ўтказилишини биргаликда талаб қилиш.



Иккинчи усул: ички ва ташқи вазиятга қараб ягона номзодни илгари суриш масаласини кўриб чиқиш.

Учинчи усул: президентлик Козулин ёки Милинкевич сайланишидан қатъи назар сайлов кампаниясида биргаликда фаолият олиб бориш ҳақида декларация қабул қилиш. Нима бўлганда ҳам улар учун асосий масала А.Лукашен-конинг қайта сайланишига им-кон бермаслик.

А.Милинкевичнинг сайловол-

ди штаби раҳбари Сергей Калашининг айти-шича, бирлашган муҳоли-фат бу усулларнинг 2 тасини, яъни номзодни қайтиб олиш ва биргаликда декларация қабул қилишни кўриб чиқмоқчи. Аммо А.Милинкевич А.Козулиннинг бу тақлифларига шубҳа билан қарамоқда. Берёза шаҳри аҳолиси билан учрашувда «Козулин биргаликда курашга эмас, балки ўзининг манфаати йўли-да курашга чоғланганлиги кай-фиятидан билиниб турибди» деди у.

Ўз ўрнида президент А.Лука-шенко бу икки номзод ҳам Белорусияни бошқаришга, қодир эмаслиги ҳақида баёнот берди. Негаки, улар Америка ва Евро-панинг пинжига кириб олишган, деди у Солигорскда қилган амалий ташрифи чоғида.



АҚШ

Америкаликлар орасида пре-зидент Жорж Буш сиёсатини қўллаб-қувватловчилар сони март ойида рекорд кўрсаткич-га тушиб кетди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

«AP» ахборот агентлиги ва «Ipsos» компанияси ўтказган сўров натижалари шунини кўрсат-дики, иштирокчиларнинг 5 та-дан 4 таси Ироқда фуқаролар уруши юз беради, дея ҳисоб-ламоқда. Яқинда эса президент Буш Ироқда фуқаролар уруши-га йўл қўймайлик ҳақида баён-от билан чиққан эди.

Сўровда катнашганларнинг 70 фоизи Вашингтон Ироқ ма-саласида нотўғри йўлдан ке-таётганлигини билдирди. Бу кўрсаткич февралдаги сўров натижаларидан 6 фоизга кўп. Умуман олганда, Буш сиёса-тини атиги 37 фоиз аҳоли қўллаб-қувватламоқда. Бу Бушнинг президентлик даври-даги энг паст кўрсаткичдир. Унинг ички сиёсатини 36 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган бўлса (февралда 39 фоиз эди), терроризмга қарши кураш ва ташқи сиёсатини 43 фоиз (февралда 47 фоиз эди) аҳоли маъқуллаган.

## БОҒЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ



Хукуматимизнинг мамлакатда мева-сабзоз-вот маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда уни комплекс қайта ишлашни ривожлантиришга қаратилган янги қарори республика-миздаги барча боғбонлар қатори қоракалпо-ғистонлик соғибқорлар ғайратига ҳам ғай-рат қўшди. Тўрткўл туманидаги «Сапар ханқали» боғдорчилик фермер ҳўжалиги аъзо-лари ўз фаолиятларини 2005 йилда бошла-ган бўлсалар-да, дастлабки йиллик уч гек-тарлик олмазордан 20 тонна ҳосил йиғишти-риб олдилар. Йиллик соф даромад 1 мил-лион 500 минг сўмга етди.

Президентимиз фармони билан боғбон-ларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва бери-лаётган имтиёзларга жавобан, — дейди фер-мер ҳўжалиги раҳбари Жаббор Сапаров. — Жорий йилда эл-юрт дастурхонига 35 тонна сархил олма ҳосили етказиб беришни ният қилдик. Бунинг учун ҳозирданок дарахтларни буташ, сугориш ва озиклантириш ишларига киришдик.

**Суратда:** (чапдан) фермер ҳўжалиги раҳ-бари Жаббор Сапаров ва соғибқор Ҳамид Сапаров дарахтларга шакл беришяпти.

**Бердиннёз АЛЛАШЕВ (ЎА) олган сурат.**

Пойтахтимизнинг Халқаро бизнес марказида Япония-нинг Ўзбекистондаги элчихо-наси ва Ўзбекистон — Япо-ния инсон ресурсларини ри-вожлантириш маркази билан ҳамкорликда япон тили бўйи-ча нотиклик санъати танлови бўлиб ўтди.

МуСОБАХАНИНГ бадиий қис-мида талабалар ўзларининг актёрлик маҳоратларини на-мойиш этишди. Айниқса,

## НОТИКЛИК ТАНЛОВИ

Фаргона давлат университети-нинг японча «Омон ёр» ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқ-аро журналистика факульте-ти талабаларининг «Замба-ракнинг ўқи» каби қисқа мет-ражлик сахна кўриниши то-мошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг яқиний қисми-да ҳақамал иштирокчилар-ни қимматбаҳо совғалар би-

лан тақдирди. Олти нафар голлиб — Гулноза Курбонова, Муқаддас Сапарова, Цой Ека-терина, Севара Акибарова, Ас-оро Мўминова, Умид Ортиқо-рлар 15 апрель кўни Тошкент-да Марказий Осиё давлатла-ган миқёсида ўтказиладиган нотиклик санъати танловига катнашиш йўланмасини қўлга киритишди.

**Беход АБДУРАҲМОНОВ,**  
**ЎЗДЖТУ талабаси**

Пойтахтимизнинг Халқаро бизнес марказида Япония-нинг Ўзбекистондаги элчихо-наси ва Ўзбекистон — Япо-ния инсон ресурсларини ри-вожлантириш маркази билан ҳамкорликда япон тили бўйи-ча нотиклик санъати танлови бўлиб ўтди.

МуСОБАХАНИНГ бадиий қис-мида талабалар ўзларининг актёрлик маҳоратларини на-мойиш этишди. Айниқса,

## МАРКАЗ УЧУН МАБЛАҒ

Япония хукумати томони-дан Ўзбекистондаги жисмон-ий имконияти чекланганлар учун телекоммуникация мар-кази ташкил этиш лойиҳаси-га 33,5 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратил-ди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисо-дий алоқалар, инвестициялар

ва савдо вазирлигининг маъ-лумотига кўра, мазкур маб-лағ Ўзбекистон ҳудудида жисмоний имконияти чеклан-ганлар учун ташкил этилади-ган телекоммуникация мар-казларининг замонавий уску-налар билан жиҳозлашга йўналтирилади. Шунингдек, бундай марказлар интернет

тармоғига бепул уланади. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Шартномани имзолаш маро-симиде жамиятнинг раҳбари Ойбек Исоқов мазкур акция 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да муҳим аҳамият касб этишини таъ-кидлади.

**«Туркистон-пресс»**

### Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

### ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объект номи:**  
«Фаргона вилояти, Кува тумани, Толомор қишлоғидаги Ҳарбий шахарча ҳудудида «Кураол сақлаш амборхонаси» ва «5 та қўрқлаш минораси» қурилиши (тўлиқ бит-казиб топшириш шартин билан)

Қурилиш муддати — 150 кун.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй, тел/факс: 169-01-03, 169-01-11.**

Умумий қурилиш ишлари мар-казлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қўи-даги шартларга мос келишига керак: ҳарбий қурилиш объек-тларида ишлаш учун махсус ли-цензияга эга бўлишлари, ўқиш объектларини қуриш бўйича таъж-рибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қўйишнинг камиди 20% миқ-дориде айланма маблағига (за-ҳирадаги қурилиш материалари билан бирга) ёки бундай маблағ-ларни тақдим қилишга банк ка-фолатномаси мавжудлиги, моли-

явий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузи-шга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.


Савдога қатнашиш ва тан-лов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона ви-лоят қурилишда танлов савдо-лари ва нархларни шаклланти-риш ҳудудий консалтинг мар-кази қўйишдаги манзил бўйича му-рожаат қилишлари мумкин: **Фаргона шаҳри, К.Раҳимов**

кўчаси, 2-а уй, тел./факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламанинг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталар-ни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши эълон чоп этилган вақтдан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқоридеги кўрсат-тилган манзилда ўтказилади.



# РАФАЭЛЬ МАРТИНЕТТИ: «ТОШКЕНТ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНЛИГИГА МУНОСИБ»



11-12 МАРТ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА FILAнинг «GOLDEN GRAND PRIX» ТУРКУМИГА КИРУВЧИ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи ушбу мусобақада дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан келган бир юз йигирмадан зиёд полвон голиблик учун гиламга чиқди. Етти (55,60,66,74,84,96 ва 120 кг.) вазн тоифасида уюштирилган беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси икки тартиб билан қатнашди. Бу эса мураббийларимизга Дилшод Мансуров, Аҳдам Очилов, Дамир Захаритдинов, Артур Таймазов сингари тажрибали курашчилар билан бир қаторда умидли ёшларни синовдан ўтказиш учун қўлай имконият яратди.




Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилган бахсларнинг дастлабки кунинда ишқибозлар 55, 66, 84 ва 120 кг. вазн тоифаларидаги курашчилар беллашувидан баҳраманд бўлишди. Айна шу кунги учрашуларда эркин курашчиларимиз ўз муҳлисларини қувонтиришди. Гарчи, 55 кг. вазн тоифасида бир йўла уч нафар курашчимиз — Дилшод Мансуров, Аҳдам Очилов ҳамда Бахтиёр Мирзаевлар голиблик учун баҳс юритишган бўлса-да, улардан икки нафари совриндорлар сафидан жой олди. Қўпчилик илк беллашуларда

япониялик Инаба Ясуйра, озарбайжонлик Намик Севдимовларни катта устунлик билан мағлуб этган икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуровдан олтин медаль кутганди. Бирок, у финалда америкалик Самуэль Хенсонга кичик фарқ билан очколар ҳисобида имкониятни бой берди. Аҳдам Очилов эса бронза медали билан қифояланди.

66 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Муродилло Облокулов, Абдурауф Бозорбоев ҳамда Арсен Хуталиевлар учун «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири маҳорат мактаби вазифини ўтади. Чунки,

айни шу вазн тоифасида кучли деб топилган жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари совриндорлари Андрей Семенов (Россия), Крис Боро (АҚШ), Жерар Оганесян (Арманистон), Жаред Лоуренс (АҚШ)лар тажриба бобида ҳар жиҳатдан устун эканликларини намойиш этишди.

Мусобақанинг 84 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан республика Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Озод Эшатаев гарчи совриндорлар қаторига кира олмаган бўлса-да, мутахассислардан илқ таассурот қолдирди. Дастлабки учрашувда у ўзига нисбатан бирмунча тажрибали бўлган Аскар Катаев (Қозғистон)ни енгди. Кейинги босқичда Озод Грузия вакили Реваз Миндорашвилига муносиб қаршилик кўрсатиб, фақат очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютқазиб қўйди. Шу вазн тоифасида ярим финалгача муваффақиятли катнашган Абдул Аминов эса терма жамоамизга навбатдаги бронза медалини туҳфа этди.



## Китоб жавонингизга «БЕЛИДА БЕЛБОФИ БОР»

### «БЕЛИДА БЕЛБОФИ БОР»



Мустақиллик ўтган ўн беш йилда бизга қандай имконият, ваколат, ҳуқуқ бергани ва булар эвазига нималарга эришганимизни энг аввало спорт тимосидида чуқурроқ англашимиз, ҳис этишимиз мумкин. Чунки, мустақилликнинг илк самарасини биз биринчи бўлиб спортчиларимиз ютуқлари орқали кўрганмиш. Юртбошимиз айтганидек, мамлакатни дунёга энг тез танитадиган омил спорт эканини ҳам ўз ҳаётимиз мисолида кўрдик. Шохматчиларимиз 1992 йилда Филиппинда ўтган Бутун жаҳон олимпиадасида иккинчи ўринни олиши, 1994 йили Лиллхаммерда ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида қўшли Ўзбекистон вакили Лина Черязованинг чемпиони бўлиши, 1994 йили Хиросимада футболчиларимизнинг Осиё ўйинларида голиб чиқиши, 1996 йили Ўзбекистон спортчилари илк марта ёзги олимпия ўйинларида мустақил мамлакат жамоаси сифатида катнашиши ва бир кумуш, бир бронза медалига сазовор бўлиши, кейинчалик Мухаммадқодир Абдуллаевнинг олимпия чемпиони бўлиши...

Энг тарихий, қувончли ва энг гурурли яна бир воқеа — 1998 йил 6 сентябрда қадим курашимизнинг дунёга чиқиши, тан олинishi бўлди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва бу орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қилинган ва қилинаётган ишларни санаб адоғига етиш қийин. Не-не китобларга, ҳужжатли ва бадий фильмларга мавзу булар. Шулар ҳақида ўйланган, биз журналистлар зиммасида катта қарз турганини ҳис этамиш.

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Белида белбофи бор» китоби ана шу қарздорликни узиш йўлидаги бир ибратли ҳаракат бўлибди. Таниқли журналист Озод Ражабовнинг бу китобидан спортнинг соғлом авлодни тарбиялашдаги аҳамияти, уч босқичли узулсиз спорт тизимининг моҳияти, ўзбек курашнинг дунёга чиқиши, шарқона яқна кураш турларидан бири — тазқондонинг мамлакатимиздаги ривож, зғу фалсафасига бағишланган мақолалари, эссе ва дастлабки қиссаси ўрин олган. Тарихий, қизиқarli воқеалар, маълумотлар жамланган бу китоб Навруз байрами арафасида спорт муҳлисларига муносиб совға бўлади, деб ўйлаймиш.

## «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИ УЛГҲРЖИ БОЗОРИ» ОАЖ

Хабар тартиб рақами — 09. Умумий мажлис тури: навбатдан ташқари умумий мажлис. Ўтказилган вақти: 2006 йил 9 март. Ўтказилган манзили: «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ маъмурий биноси. Мажлисда қатнашганлар: 137480 овозга эга акциядорлар. Қўрамов: 80,8%. Умумий мажлис кун тартиби асосида овоз бериш натижалари:

- 1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ Низом жағмаси оширилишига — «Розилар» 86700 овоз (63,06%). «Қаршилар» 50780 овоз (36,94%). «Бетарафлар» йўқ бўлганлиги қабул қилинсин.
- 2. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ Низомига ўзгартириш киритишига — «Розилар» 86700 овоз (63,06%), «Қаршилар» 50780 овоз (36,94%), «Бетарафлар» йўқ бўлганлиги қабул қилинсин.

## ШАЦҚИХНИНГ ШАРТНОМАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких «Динамо» (Киев) клуби билан амалдаги шартномасини 2009 йилнинг 1 июлига қадар узайтирди, деб хабар қилади УФФ ахборот-таҳлил бўлими. Ҳажимиз 1999 йил украинликлар таркибига қўшилган эди. Ўтган давр мобайнида Максим динамочилар билан тўрт карра Украина чемпионлиги ва уч маротаба мамлакат кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, у икки бор Украина миллий чемпионатининг энг яхши тўпурари, деб тан олинди. Шацких «Динамо» (Киев) таркибидан Украина олий лигасининг 150 учрашувидан майдонга тушиб, 77 та тўп муаллифи бўлган. Украина кубоги (25 учрашув) ҳамда еврокубок бахсларида (53 ўйин) муваффақиятли иштирок этган иқтидорли футболчи рақиблар дарвозасини 17 мартадан аниқ нишонга олган. Шунингдек, ўтган мавсум якунарига кўра, Максим Шацких Ўзбекистоннинг «2005 йилдаги энг яхши футболчиси», деб топилганди.

## КРАМНИК КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ

Шу йилнинг 25 ноябрь — 5 декабрь кунлари Германиянинг Бонн шаҳрида шохматнинг классик тури бўйича жаҳон чемпиони Владимир Крамник олти партия давом этадиган компьютер дастурига қарши донна суради. Баҳс Германиядаги тасвирий санъат гўрғазма залида ўтказилди. Борди-ю Крамникнинг қўли баянда келса, у миллион доллар ҳисобида пул муқофотига эга бўлади. Учрашувни Германиянинг «Universal Event Promotion» компанияси уюштирмоқда. Мукамал компьютер «Deer Fritz» дастурига мосланган бўлиб, бир соғнада миллион позицияни ўзгартириш қобилиятига эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

## Иқтидорли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

# ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-мактаб-интернатнинг етти нафар ўқувчиси физика ва математика фанлари бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада мамлакатимиз шаънини ҳимоя этишди. Улардан икки нафари кумуш медаль совриндори бўлишди.

Мамлакатимизда баркамол авлод келажагини ўйлаб амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугун хоризлик мутахассислар ўзбек фарзандларининг етуқ билим ва салоҳиятига, теран ақлу тафаккурига лол қолишмоқда. Улар Ўзбекистон заминида бундан минг йиллар аввал донг таратган аллома-лар ворислари бутун дунё ёшларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўла олишини фан олимпиадалари, нуфузли халқаро танловлар орқали яна бир бор ҳис қилишмоқда. Биргина мисол, яқинда Қоракўл туманидаги 1-сонли иқтидорли болалар мактаб-интернатининг етти нафар ўқувчилари ҳимоя қилишди. Улардан ўткир Болтаев ва Жасур Қўчқоров математика фанидан кумуш медални қўлга киритиб, республикамиз жамоаси асосий ўринлардан бирини эгаллашгани таъминладилар.



Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратларда: мусобақадан лавҳалар. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Бу хушхабар Бухорога, қадим полвонлар юрти Қоракўлга яшин тезлигида етиб келди. Республика халқ таълими вазирлигида, сўнг вилоят, туман ҳокимликларида бўлиб ўтган қўлловлардаги ҳаяжон, қувонч тез орада оилаларга кўчди. — Шу пайтгача халқаро олимпиадаларда жамоа раҳбари сифатида қатнашмаганман, — дейди мактаб-интернат директори, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Тўхтамурад Жумаев. — Шу боис ўқувчиларимдан кўра кўпроқ ўзим ҳаяжонландим. Ахир, нуфуз-

очиб нияти кўп йиллар менга тинчлик бермади, — деб хотирлайди Тўхтамурад Жумаев. — Дастлаб табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйдик. Шундан сўнг мактаб-интернат очиш ҳаракатига тушдик. Бошида қарши чиққанлар ҳам бўлди. Чидадик, одамларга тушунтиришдан чарчамадик. Хуллас, қўзлаган мақсадимизга етидик. Бугун туманда, ҳатто вилоятда ҳам обрўли масканга айланган мактаб-интернатга энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади. Бунда муайян мезон ва широр бор: «Мактаб ота-она ва ўқувчига эмас, ўқувчи ва ота-она мактабга интилагина ютқуқа эришиш мумкин».

1993 йилда мактаб-интернатни тамомлаган 40 нафар битирувчининг 38 нафари олий ўқув юртилари талабаси бўлди. Ўтган даврда 9 нафар ўқувчи хоризжий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олиб кайтди. Мактаб-интернат ёшлари 1999 йилдан буён доимий равишда халқаро олимпиадаларда физика ва математика фанларидан катнашди келмоқда. Кейинги йилларда республикамиз ўқувчилари томонидан халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритилган 11 та медалнинг 9 таси шу мактаб ёшларига тегишли.

Мактаб-интернатда иқтидорли болалар билан ишлаш, уларни рағбатлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Боймурад Бобоев. — Айни пайтда 300 дан ортққ ўқувчига тўрт йўналиш бўйича таълим-тарбия берилляпти. Бир сўз билан айтганда, бу ердаги ютуқларнинг бош омил — ёшлар билан ишлашнинг тўғри йўлга қўйилгани, улар истеъдодига эътибор кўрсатилаётганидир. Мактаб-интернат жамоасининг орузлари янада юксак. Келажақда бу маскан ўзбек фанининг ҳақиқий дарғалари, фидойилари етишиб чиқиши учун аҳил жамоа ҳамшира ҳаракатда. Улар келажақда бундан-да нуфузли ғалабаларни қўлга киритишларига ишонамиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратда: Халқаро олимпиада кумуш медали совриндорлари ўткир Болтаев ва Жасур Қўчқоровлар.

## «ОЛОЙ ДЕҲҚОН ВОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил якунари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси Тошкент шаҳар, Юнусов йўлидаги ҳокимлигининг мажлис залыда 2006 йил 14 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

- Кун тартиби: 1. 2005 йил якуни бўйича жамият иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи. 2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш. 3. 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш. 4. Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш. 5. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш. 6. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳақда уни бериш тартибини тасдиқлаш. 7. Жамиятнинг 2006 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш. 8. Жамият бошқаруви раисини сайлаш. 9. 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш. 10. Жамиятнинг 2006 йил фаолияти учун аудиторни тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи энг кўп миқдорини белгилаш. 11. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш. 12. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш. 13. Жамият Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2006 йил 7 март ҳолатига буюнган тўзатилади. Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 2006 йил 7 апрелдан бошлаб танишиш мумкин. Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 40-уй. МУҲОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 132-14-53.

## ООО «МАДАНИЙ МОЛЛАР»

изваедат участников общества о проведении внеочередного общего собрания, которое состоится 14 апреля 2006 года в 16.00 по адресу: Г.Ташкент, ул.Шохсанам, 5 ПОВЕСТКА ДНЯ: 1. Доведение до сведения участников общества Указа Президента Республики Узбекистана от 23.02.2006г. ПФ-3722 и Постановления Президента Республики Узбекистан от 06.03.2006г. ПП-300. 2. Преобразование ООО «Маданий моллар» в ООО Республиканскую специализированную оптовую базу-контору «Маданий моллар». 3. Утверждение Устава ООО Республиканской специализированной оптовой базы-конторы «Маданий моллар». 4. Выборы Исполнительного органа, Ревизионной комиссии. 5. Утверждение Положений об общем собрании участников общества, Исполнительном органе, Ревизионной комиссии. 6. Прочие. Исполнительный орган

**BOSH MUHARRIR:**  
**Safar OSTONOV**  
**TAHRIR HAY'ATI:**  
**Abdulla ORIPOV**  
**Latif G'ULOMOV**  
**Asliddin RUSTAMOV**  
**Ashur QODIROV**  
**Bobir ALIMOV**  
**Farruh HAMROYEV**  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
**Alimqul SULTONOV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
**Andy ORIOV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)  
**Norbob SHAKAROV**  
**Nomoz SA'DULLAYEV**  
**To'lepbergen QAIPIBERGENOV**  
**Muslihdiddin MUHIDDINOV**  
**Olim MURODOV**  
**Abdug'ani MAMASODIQOV**  
(Mas'ul kotib)  
**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI  
**BO' LIMLAR:**  
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13  
**Ma'naviyat va ma'rif** 133-69-45  
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36  
**Parlament va huquq** 136-76-21  
**Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq** 133-44-55  
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43  
**Xatir va omamviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)  
**Mas'ul kotib** 133-72-83  
**Reklama va e'lonlar** 133-38-55, 133-47-80  
**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
**Andijonda** — 25-32-70  
**Buxoroda** — 222-10-92  
**Gulistonda** — 25-22-32  
**Jizzaxda** — 5-49-85  
**Navoiyda** — 223-83-73  
**Namanganda** — 6-43-43  
**Nukusda** — 222-70-15  
**Samarqandda** — 35-20-54  
**Urganchda** — 226-51-35  
**Farg'onada** — 26-43-62  
**Termizda** — 3-79-98  
**MANZILIMIZ:**  
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
**Navbatdagi Mirbaxtari MIRFAZIYEV**  
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
**Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV**  
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasida chop etildi.  
**Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi.  
14419 nusxada bosildi  
1 — Tuxorpat materiallari  
O'ZA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda